




ТОШКЕНТ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

ОҚШОМИ

№ 76 (9.114)

1998 йил

1 июль, чоршанба

Сотувда эркин нархда

ХАЛҚЛАРИМИЗ ОРЗИҚИБ КУТГАН ВОҚЕА

Мамлакатимизда Тожикистон кунлари бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов шу қувончли айём муносабати билан Ўл-камизга ташриф буюрган Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда Тожикистон кунлари ўтказиладигани тарихий аҳамиятга молик воқеа эканини таъкидлади. Бу тадбир Ўзбекистонда, ҳам-жихатликни мустақамловчи, тарихимиз, маданиятимиз, умуман, меросимиз мушарафлигини тасдиқловчи, халқларимиз орзиқиб кутган воқеадир, деди Президент.

— Айниқса, унинг Тожикистон халқи учун катта аҳамияти бор, — деди, жумладан, Исмоил Каримов. — Зеро, айтиш мумкин, барқарор тинчликни таъминлаш йўлидан бораётган Тожикистон халқи учун иқтисодий ва сиёсий ёрдам билан бирга, мана шундай маънавий далла ҳам керак.

И. Раҳмонов Ўзбекистонда Тожикистон кунлари сўнгги бор бундан 18 йил муқаддам ўтказилганини айтди. Ўзоқ танаффусдан сўнг бундай тадбир ташкил этилгани маданий соҳадаги алоқаларимизнинг янги саҳифасини очишини таъкидлади.

Учрашув низоҳасида Президентларнинг икки давлат оммавий ахборот воситалари вакиллари билан қисқа учрашуви бўлди. Унда давлатимиз раҳбари Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан яна бир карра кўлаб, ўтказиладиган тадбир ўзаро муносабатларимизни янги поғонага кўтаришга катта туртки беришини айтди.

— Бугун биз маданий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик,

маънавий ҳамжихатликни намойиш қилмоқдамиз, — деди Исмоил Каримов. — Бунинг аҳамияти давлатларимиз ўртасидаги сиёсий алоқалардан кам эмас.

И. Раҳмонов Ўзбекистонда ўтаётган Тожикистон кунлари халқларимизнинг орзу-истакларига жуда мос эканини айтди. У кўрсатилган самимият ва юксак даражадаги тайёргарлик учун Исмоил Каримовга миннатдорлик билдиради экан, мазкур тадбирни ўтказиш ташаббуси айнан Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилганини маълум қилди.

— Тожикистонда барқарорлик ўрнатиш борасида ҳам Президент Исмоил Каримовнинг улкан хизмати бор, — деди у сўзини давом эттириб. — Мамлакатимиз халқи оғир кунларда кўрсатилган бундай беғараз ёрдамни, яхшиликни асло унутмайди.

(ЎЗА)

АБАДИЙ ДЎСТЛИК ШОДИЁНАСИ

30 июнь кўни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари иштирок этди.

Тантанали кечани Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулаганов очди.

Ўзбекистон ва Тожикистон давлат мадҳиялари янгради. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов сўзга чиқиб, Тожикистон кунлари ўзбекистонликлар учун орзиқиб кутилган тўй эканини алоҳида таъкидлади. Йўлбошимиз айтиб ўтганидек, мустақиллигини қўлга киритиб, миллий давлатчилик қуриш йўлидан бораётган Ўзбек ва тожик икки тилда гапирадиган бир халқдир. Улғу аждодлар меросидан бир чашмадан сув ичгандек маънавий озуқа олиб, баробар фойдаланиш ҳаммаимизнинг вазифамиздир. Буюк бобоклонларимиз васият этган қардошлиқни асло унутиб бўлмаслиги Исмоил Каримов томонидан алоҳида

қайд этилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги мустақам дўстлик бугун биз учун ҳар қачонгидан зарур, деди Ўзбекистон Президенти. Иқтисодий-маданий ҳаёт ҳам жонланди. Ўзбекистонда ўтаётган бу байрам ҳам шунинг яна бир исботидир. Тожикистон раҳбари оғир кунларда биродарларига ёрдам қўлини чўзган Ўзбек халқига, унинг йўлбошчиси Исмоил Каримовга чуқур миннатдорлик изҳор этди. Тожик халқи Ўзбек қардошларимиз кўрсатган бу маданий асло унутмайди, дея таъкидлади И. Раҳмонов.

Тантанали қўшма сўнг икки давлат раҳбарлари Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари муносабати билан «Туркистон» саройида очилган фотосуратлар, китоблар, халқ амалий санъати асарлари кўргазмаси билан таънишди.

Маросим Ўзбекистонлик ва тожикистонлик санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

(ЎЗА)



Мухтарам Президент Имомали Раҳмонов Жанои Олийлари! Хурматли тожикистонлик меҳмонларимиз! Азиз биродарлар! Дўстони бародарони тожик! Беҳуда нест ки Рудакӣ бузург гуфтааст:

Ҳеч шоди нест андар ин жаҳон,

Бартар аз дидори рӯйи дўстон.

Яъни:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,

Дўстлар дийдордан бўлмас устун.

Бугун Ўзбекистонимизда катта тўй, катта тантана. Халқимиз кўпдан бери орзиқиб кутган байрам — қардош Тожикистон кунлари бошланмоқда.

Яратганимиз ўзи Ўзбек билан тожикнинг лойини бир жойдан қорган. Минг-минг йиллардан буюн халқларимиз ўзаро қондош ва ёндош бўлиб, қудда-анда тутиниб асрлар юкини бирга тортиб, келажакни бирга қуриб келмоқда. Биз бир дарёдан сув ичамиз, бир далада экин экамиз.

Бозоримиз ҳам, ҳатто мазоримиз ҳам бир. Ичимиздан ҳам, жисмишимиздан ҳам ҳеч ким бизни бир-биримиздан ажрата олмайди. Ҳазрат Алишер Навоий бир тожикча ғазалида ёрни «чашмони туркинаву, мижғони тожиқона», яъни «кўзлари туркона-ю киприклари тожиқона» деб бежиз таърифламаган. Боки Раҳимзода: Э жўра, биғу: ту ўзбеки ё тожик? — деб лутф этганида мутлақо ҳақдир.

Қани, айтинглари-чи, шу байтни таржима қилишга эҳтиёж борми?!

Авал бир анжуманда айтган эдим, бугун шу иборани яна такрор айтмоқ жоизки, Ўзбек билан тожик — икки тилда гапирадиган бир халқ десак ҳеч қандай хато бўлмас. Бу ҳикмат айти бугун, яъни халқларимиз — Ўзбеклар ва тожиклар — истиқлолга эришиб, ўз миллий давлатини қураётган бир пайтда ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳим аҳамият касб этади.

Кўна тарихимизнинг қайси қатламини ўрганмайлик, халқларимиз яқинлигини тасдиқлайдиган бисёр далил-исботлар топамиз. Авваламбор, бу — икки халқ учун ягона муқаддас ислом динимиз, тарихимиз ва бетакрор маданиятимиздир. Бир заминда яшаган, бир булоқдан сув ичган, бизга буюк мерос қолдирган улғу аждодларимиздир.

Исмоил дини ва Шарқ фалсафасининг улғу намоёндалари, буюқ тарғиботчилари, мутафаккирларимиз Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нахшбандий ҳазратлари каби буюқ алломулар қолдирган маънавий бойлик ва ўғитлар икки халқ учун ҳам баробар бебаҳо меросдир.

Дил ба ёру даст ба қор деган ҳикмат бугунги авлодларимиз, фарзандларимиз учун, ақли-идрок билан яшаш учун бебаҳо ва раҳнамо йўриқдир.

Аждодларимиз ҳамisha бирга давлат қурганлар, бирга қасбу қор қилганлар, бошга тушган мусибатларини елкадош бўлиб енганлар. Биз улғу аждодлар қолдирган меросни ўзаро талашмасдан, ундан маънавий озиқланиб, бир чашмадан сув ичгандек, ҳар икки халқ, икки миллат баробар баҳраманд бўлишини таъминлаш, ташкил этиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Азиз дўстлар!

Ота-боболардан қолган бир мақолда «Ўзбек билан тожикнинг кўйласа чолғуси бир, йиғласа қайғуси бир» деб бежиз айтилмаган.

Ҳақиқатан, бу икки халқ минг йиллар давомида Наврузи бирга байрам қилди. Сирдарё, Амударё бўйлариини биргалашиб обод водийларга айлантирди.

Босқинчиларга қарши гоҳ Тумарис, гоҳ Широқ, гоҳ Спитамен, гоҳ Темур Малик бўлиб бигирликлари мардона зарба берди. Сўнгги бир ярим асрлик мустақамлақ эълани ҳам бирга тортиди. Ниҳоят, истиқлолга ҳам бирга эришди.

Тожик тилида «қўшни» — «ҳам-со» дейдилар. Қўп Ўзбек шевала-

ПРЕЗИДЕНТ ИСМОИЛ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СУЗЛАГАН НУТҚИ

рида ҳам бу сўз бор. «Ҳамсон»нинг маъноси шунки, бир-бирига туташ ўйнинг сояси бир бўлади. Тожиклар — Ўзбекистоннинг уйига туташ ҳамсон-ядр.

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ибораси билан айтганда: **Дўсту қардошдир азалдан Ўзбегим тожик билан, Фаҳм этиб боқсанг агарда, Биз қўша сайёрамиз, Бу Али сўзлар Зухаддан Ўзбегим тожик билан.**

«Бир қўшнинг — жон қўшнинг» деган мақолни халқларимиз дўстлигига нисбатан қўлайдиган бўлсак, чиндан ҳам, ҳоҳ Ўзбекистонда бўлсин, ҳоҳ Тожикистонда, биз ўзаро ана шундай девор-дармиён ҳамсоёллар бўлиб яшаймиз.

Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий билан Амир Низомиддин Алишер Навоийдек икки буюқ эши шарифнинг халқларимиз шону шарафига, маънавий-руҳий қудратини жаҳонга кўз-кўз қилган иходи, улар ўртасидаги ақиб-пир муридлик, устоз-шогирдлик муносабатлари биз учун абадул-абад ақинлигимизнинг гўзал рамзи бўлиб қолажак.

Устоди буюғур Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий ўзининг энг гўзал достонларидан бири — «Юсуф ва Зулайҳа»ни Амир Низомиддин Алишер Навоийга бағишлаган. «Дай-лай ва Махжун» достониди устод Жомий устод Навоийга қандай таъриф берганини эслайтиб:

Хоса ки ба боғи ошон Бор шох вафо бувад Навои. Яъне ки Навои лутф созад, Дилхон шикастагон навозад. Қорё навазд ба жон ин қор, Ерони жаҳон фидон ин ёр.

Бу сатрларни ҳар бир Ўзбек таржимаси ҳам яхши англайди. Бу сатрлар ҳар бир Ўзбек юрагига, қалбига нафақат чуқур ва чўғ маъносини, балки бадий ифодаси билан ҳам ақиндир.

Айтинглари, азиз биродарлар, дўстлик ва қардошлиқнинг бундан ортиқ таърифи ва тавсифи бўлиши мумкинми?

Биз — Ўзбегу тожик — Жомий ва Навоий каби буюк бобоклонларимиз васият этиб қолдирган дўстлик ва қардошлиқни унутмас, бундай нодонлик, қалтабинлик уларнинг руҳи покларига ҳиёнат эмасми?

Мухтарам меҳмонларимиз!

Бизнинг маънавий, маърифий ва маданий алоқаларимиз шу қадар қучлики, бугун Ўзбекистон тўйу томошасини тожикча, тожикнинг тантанасини Ўзбекча қўй-қўшларимиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ўзбек халқининг аjoyиб санъаткорлари Халима Носирова ёки Саодат Қобулованинг овозини тожиклар қандай севиб тингласалар, Ханифа Мавлонова ва Жўрабек Му-

родовнинг аjoyиб қўшиқларини Ўзбеклар ҳам шундай севиб тинглайдилар. Аслида ҳам бу каби ҳар икки халқнинг фарзанди, ҳар икки халқнинг санъаткорлари бўлиш инсонлар оз эмас.

Халқларимизнинг дили-дилига нақадар яқинлигини умумий бойлигимиз бўлган шашмақом ҳам, ушшоқ, сегоҳ, қорғоҳ каби мумтоз кўйларимиз ҳам кўрсатиб туради.

Икки улғу тилининг салохиятини омўхта қилиб ҳар икки тилда асарлар яратибдек улғу аъёнларимиз борки, уни Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Зебунисо бегим, Оғаҳий ва Маҳраб янги юксакликларга қўтардилар. Айниқса, туркий улус фарзанди Мирзо Абдуқодир Бедил форс-тожик тилида шу қадар буюқ асарлар яратдики, беназир шоиримиз Фафур Фулом унинг ижодини мусаффо чашмага ва офтоб нурига қиёсланиб бежиз эмасдир:

Тонг отар чоғида жуда соғиниб,

Бедил ўқир эдим, қикди офтоб.

Лойқа ҳаёлотлар чашмадай тинди,

Пок-покиза юрак бир қатра симоб.

Яқин тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, мустақиллиқнинг энг оғир йилларида ҳам Ўзбек ва тожик халқларининг асл фарзандлари Аҳмад Доғиш ва Махмудхўжа Бекбулдий, Абдулла Қодирий ва Садрриддин Айний, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдурауф Фитрат дўсту ҳамкор бўлиб маърифат йўлида бигирликларида кураш олиб борганлар.

Устод Садрриддин Айний ҳам тожик, ҳам Ўзбек тилида баробар иҳод қилиб, гоҳат муқаммал асарлар яратгани айниқса ибратлидир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, маданиятларимиз, умуман халқларимиз ўртасида асрлар буйи ўзаро ижодий мусобақа, бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд бўлиш тамойили ҳукм сурган ва айтиш мумкин ҳар икки халқ тараққиёти учун муҳим замин яратган, икки халқ бу омилдан баробар озиқланган.

Худди шу нарса бизга келажак йўлини ҳам кўрсатади.

Икки халқ ўртасидаги яқин дўстона муносабатлар бугун бизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур. Халқларимизнинг тўб манфаатлари худди шу нарсага тақозо этади.

Шайх Саъдий Шерозий айтганидай:

Дўст он бошад ки гирад дасти дўст,

Дар парешон ҳолино дармондагини

Мустақиллиқнинг дастлабки етти йили Тожикистон учун осон кечмади. Бегуноҳ халқ, истибод даври

юки остида эзилган етмагандек, худбинлик, тор манфаатпарастлик, ҳокимият учун кураш, беқарорлик ва чет таъсирлар гирдобига тушиб-ларнинг жабрини кўп тортиди.

Тожикистонда барқарор ва озоишта турмуш барпо этилишидан Ўзбекистон ҳаммадан ҳам кўра манфаатдордир. Ахир, халқимиз беқор-га: «Қўшнинг тинч, сен тинч» деган. Биз фақат ҳамкорлик асосида юртларимизнинг барқарорлигини, халқларимизнинг озоишта ҳаётини ташкил этишимиз мумкин. Бунинг учун, ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Биз тожик халқи бошга тушган мусибатларини ўз қўлимиздан деб биламиз, қўлимиздан келганича қардош мамлакат ҳаёти тезроқ изга тушиб кетишига бундан кейин ҳам қўмак, ёрдам беришда ўзимизни аямаймиз.

Тожикистонда тинчлик, биродарлик руҳи қарор топса ва миллий сулҳ ўрнатилса, бу — нафақат тожиклар ва Ўзбекистоннинг бахту-саодати, порлоқ келажак учун, ўйлай-манки, ақин ва ўзоқ қўшни халқлар учун ҳам кенг маънода хизмат қила-жак.

Мен ишонаман: замонлар ўтар, йиллар ўтар — биз, икки халқ ўзаро хурмат ва иззатни саклаб, албатта ўзгалар ҳавас қиладиган муносиб ҳаёт қурашим. Бунга ҳеч қандай қандай шубҳа бўлмас.

Устод Бадриддин Ҳилолий ўз авлодларига қолдирган ишонч бунга гувоҳдир:

Ба яқ дам оламиро зинда созем,

Ваз он паски то абад поянда созем

Яъни:

Бир лаҳза бўлса ҳам шундай олам иморатини яратайлик,

Токи ул абад ул-абад ёдда яшав қолсин.

Ўзбекистон унда яшовчи тожикларнинг асл ва қадимий Ватани бўлгани каби, Тожикистон ҳам унда истиқомат қилувчи Ўзбекларнинг асл ва қадимий Ватанидир. Ўзбекистондаги тожиклар ҳамда Тожикистондаги Ўзбекларнинг миллий-маданий раванки келажакимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда Тожикистон кунларининг ўтаётганини ҳам халқларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорлик самараси, абадий дўстлигимиз учун мустақам замин деб биламан.

Дўстони тожик азия!

Боз меғуни: ба қадамхўятон ҳасанот, дўстони азия!

Хуш омадед, бародарони тожикони!

Ўзбекистон диёрига хуш келиб-сиз, азиз тожик биродарларимиз!

Ўзбек ва тожик дўстлиги ва ҳам-корлиги абадул-абад яшасин!

ТОШКЕНТ — СИЭТН:

ДЎСТЛИК МАСОФА БИЛМАЙДИ

Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулаганов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг делегацияси ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлди. Делегация аъзолари Тошкент билан АҚШнинг Сиэтл шаҳри ўртасида биродарлаштиш алоқалари ўрнатилганлигини 25 йиллиги тантаналарида иштирок этишди.

Ушбу унутилмас сана муносабати билан Сиэтлдаги АСТ театрида шаҳар маъмурияти ва кенгаши раҳбарияти, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида байрам маросими ўтказилди. АҚШнинг бу шаҳридаги Тошкент боғида тантанали вазиятда биродарлик алоқаларининг чорак асрга бағишлаб ўрнатилган ёдгорлик лавҳаси очилди. Сиэтл шаҳри кенгаши ўзининг махсус сессиясида биродарлик алоқалари ўрнатилган 22 июни Тошкент шаҳри кўни деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сиэтлда Тошкент шаҳрининг махсус фотокўргазмаси ҳам очилди.

Козим Тулагановнинг Сиэтл шаҳри мэри Пол Шелл билан ҳамда савдони ривожлантириш бўйича шаҳар кенгашидаги учрашувларида, жаҳонга машҳур «Майк-расфот» ва «Боинг» компанияларига ташрифи чоғида ўзаро истиқболли иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш юзасидан

фойдали фикр алмашувлар бўлди. Меҳмонлар АҚШнинг энг нуфузли олий ўқув юрталаридан бири — Вашингтон университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шу жумладан бу ерда таълим олаётган Ўзбекистонлик ёшлар билан ҳам учрашди.

Тошкент шаҳар ҳокими шунингдек, АҚШ пойтахтида Америка Президенти ва Давлат котибининг махсус маслаҳатчиси Ричард Морнингстар, Вашингтон шаҳри мэри Маршон Берри билан учрашди. Америка — Ўзбекистон савдо палатасида АҚШ амалий доиралари билан мулоқот чоғида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Тошкент шаҳри делегациясининг Америкага ташрифи билан боғлиқ тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Факултети ва Мухтор элчиси Содик Сафоев иштирок этди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Исроил давлати саноат ва савдо вазирини Н. Шаранский бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигида бўлдилар.

● «Фотон» акциядорлик жамиятида Болгария фирмаси билан ҳамкорликда махсус хотирли касса аппаратурини ишлаб чиқариш бошланди. Бундай махсулотларга Қирғизистон ва Туркменистон Республикаларидан ҳам буюртмалар кела бошлади. Лекин «Фотон» корхонаси биринчи навбатда республикамизнинг барча савдо тармоқларини ўзининг ана шу махсулотлари билан таъминлашни мақсад қилиб қўйди.

● Юқориқичрқ туманидаги Янгибозор кўргонида Ўзбекистон — Хитой «Санлайт» корхонасида жиҳозларни монтаж қилиш ишлари низоҳасига етказилмоқда. Бу ерда 18 хилдаги велосипедлар, болалар аравачалари ва ногиронларни ҳаракатлантирувчи воситалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йилгига 200 мингтагача ана шундай махсулот тайёрлаш кўзда тутилган.

● Тошкентдан Парижга ичида Франция тарихи, иқтисодиёти ва маданий аъёнларини билиш бўйича республика танлови ғолиблари гуруҳини олган самолёт учиб кетди. Мамлакатимиз болалари ва қизларининг Францияга ташриф дастури ранг-баранг тадбирлардан иборат.

● Жиззах вилоятининг Фориш тумани чегарасидаги Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг «Тўғон» ва «Ар-насой» божхона постлари олиб ташланди. Икки давлат божхона қўмиталари раҳбарларини имзолаган идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатга биноан шундай қилинди.

● Бугун — Ўзбек сўми муомалага қиритилган кун.

● Бугун «Тошкент оқшомини» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг биринчи сони чиққан кунга 32 йил тўлди.

● Арманистонга Аргентина Президенти К. Минем расмий ташриф билан келди.

● Бугун Буюк Британия Испанияга Европа Иттифоқи раислиги ваколатини тошпирди.

● Польша Президенти Александр Квасьневский расмий ташриф билан Москвада бўлди. Россия раҳбарияти, шу жумладан, Президент Борис Ельцин билан олиб борилган музокаралар якуни бўйича бир қатор икки томонлама ҳужжатларга имзо чекилди.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Нигерияда мамлакатининг янги ҳарбий раҳбари, генерал Абдулсалам Абу Бақр билан музокаралар олиб борди.

● НАТО Бош котиби Хавьер Солана Косоводаги албанларни тезда ва ҳеч қандай шарт қўймай Югославия федерацияси ҳукумати билан музокараларни давом эттиришга қажирди.

● Фаластиндаги мухолифатдаги «Ҳамас» ҳаракатининг маънавий раҳбари Шайх Аҳмад Ясин Қоҳирадаги ҳарбий цифоҳонани тарқ этиб, яна ўзининг Ҳазо секторидagi уйига қайтди.


● Вукоевар шаҳрининг собиқ мэри серб Славко Докманович душанба кўни эрталаб Гаага трибуна-лининг тергов хонасида осиб қўйилган ҳолатда топилди.

● Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат ўз вазирлар маҳкамасининг истеъфосини қабул қилди. У ўзининг қонун чиқарувчи кенгашига ёзган мактубида яқин икки ҳафта ичида янги вазирлар маҳкамасини ташкил этишини билдирди.

● Франция футбол майдонларида кеча ўтказилган икки учрашувдан сўнг XVI жаҳон чемпионатининг чорак финалида қатнашувчи барча командалар маълум бўлди. Кеча Аргентина командаси Англия футболчилари устидан нисбатан бўйича 4:3 ҳисобда ғолиб келдилар. Хорватия — Руминия учрашуви 1:0 ҳисобида якунланди. Шундай қилиб

Пойтахтимиздаги «Кизил тонг» хиссасдорлик жамиятида тайёрланган эркаклар ва аёлларнинг мавсумий пальтоларини жуда кўп-лаб харидорлар севиб сотиб олишарди. Лекин бозор иқтисодиётининг ўткир муаммолари, айниқса сифатли хом ашёнинг танқислиги бу жамоанинг ишига таъсирини ўтказди. Бундай муаммоларни ҳал этиш, республика енгил саноатида ўзининг илгариги макенини тиклаш йўлида қандай ишлар амалга ошириляётгани, корхонанинг бугунги ва эртанги кунини режалари хиссасдорлик жамияти бошқаруви раиси Хайрулла Акбаров билан суҳбатимизда ўз ифодасини топди.

— Жамоамизда асосан аёллар меҳнат қилаётгани учун ҳам Оила йилининг бизга бошқароқ аҳамияти бор. Чунки корхонамизда меҳнат қилаётган ҳар бир аёлнинг оиласи, болачакаси бор. Агар у ўз хонадонидан кўнгли тўлиб, яхши кайфият билан ишга келса, баракали ва сифат-



Саноат

МАҲСУЛОТ СИФАТИ — ЭЪТИБОРДА

Энг асосийси, бизда ҳозир ўртача иш ҳақи 5000 сўмни ташкил этмоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ишчиларга яхши шароит яратиб, фақат ўзимизгагина фойда қиламиз. Чунки қаер-

дальерларимиз Голландиядан келтирилган юкори сифатли матолар асосида 13 та модель яратдилар ва тажриба цехининг кўли гул тикувчилари шу асосда 1100 та пальто тикдилар. Махсу-

бардош ва импорт ўрнини боса оладиган бўлиш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Президентимиз Исроом Каримов доимо ҳар бир корхона рақобатбардош махсулотлар тайёрлаб, жаҳон бозорига чиқиш йўллари кидириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Жамоамиз бу нарсани жуда яхши тушунади ва бу йўлда биринчи қадамларимиз қўйилмоқда. Яқин кунлар ичида Қирғизистондан сифатли хом ашё — пальтобоп материаллар оламиз ва 3, 4-чоракда яратган янги моделларимиз асосида аёллар ва эркаклар учун кузги ва кишки пальтолар тайёрлаймиз.

Шунингдек, Германия фирмаси билан музокара олиб бораёмиш, унинг ижобий натижасида қўшма корхона очмоқчимиз. Йил охиригача 100 минг АҚШ долларлик махсулотимизни экспорт қилишни режалаб турибмиз. Биринчи қадамимиз муваффақият бўлса, бу рақамни ўз-ўзидан ошириб борамиз. Бичиш цехимизга Исроилдан янги ускуналар келтириб ўрнатмоқчимиз.



ли меҳнат қилади. Демак, аёл яхши ишлаши учун унга биринчи навбатда оилавий тинчлик ва хотиржамлик зарур. Шу босидан биз корхонамиз ишлаб чиқаришига муносиб улуш қўшаётган ҳар бир ишчиға етарли шароит яратишга интиламиз. Ишчиларимизнинг соғлигини ҳимоя қилишни эса биринчи ўринга қўйганмиз. Тиббиёт пунктимиз замонавий жиҳозлар билан таъминланганлиги, у ерда малакали терапевт, невропатолог, гинеколог, стоматологларнинг хизмат курсатиши ишчи-хизматчиларга қулайлик туғдиради. Шу билан биргаликда корхонамиз қошида 2 та болалар богчаси, маиший хизмат курсатиш хоналари бор. Имкон борича ҳар йили ишчи-хизматчилар дам олиш уйлари ва профилактика йўлланмалар билан таъминланадилар.

даки қулайлик, яхши шароит мавжуд бўлса, ўша жойда иш унумли бўлади.

— Корхонанинг бугунги фаолияти ҳақида тўхталсангиз.

— Шуни алоҳида айтиб ўтмоқчиманки, жамоамиз айни кунларда тўла қувват билан ишлашга ўтди. Лекин бу олдимизда ҳеч қандай муаммо йўқ дегани эмас. Бозор шароитида ҳар бир корхонанинг ўз олдидаги қийинчилик ва муаммолари етарли эканлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Гап бу муаммони қандай еча билишда, албатта. Ҳозир ҳамма нарса маблаг масаласига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам биз илоҳи борича ортиқча сарф-харажатларни камайтириб, харидор учун фақат сифатли ҳамда эҳтиёжга яраша арзон махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйяпмиз. Йил бошида тажрибали конструктор ва мо-

лотлар савдога чиқарилиб, харидор талабини ўргандик. Махсулотларимизга талаб юкори эканлиги бизни қувватледи.

Шартнома мажбуриятларини бажаришга алоҳида эътибор қаратганмиз. Айни кунларда ишларимиз қизғин паллада бўлиб, республика Халқ таълими вазирлиги буюртмасига кўра кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синфда ўқийдиган болалари учун 14 жил моделдаги 80 минг дона камзул тайёрлашни давом эттирмамиз.

Маркетинг хизмати ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу хизмат ходимлари нафақат республикамиз, балки қўшни давлатлар бозорини ҳам чуқур ўрганмоқдалар. Фақатгина ўз саъй-ҳаракатлари билан сифатли хом ашё топишмиз зарур.

— «Кизил тонг»нинг махсулотлари рақобат-

Чунки замонавий кийимлар тайёрлаш учун янги технология зарурлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Цехларимиздаги дастгоҳларимиз бугунги кун талаби асосида, мутахассис кадрларимиз эса юкори малакали. Демак, замонавий ва юксак сифатли кийимлар тайёрлаш қўлимиздан келади. Бор имкониятларимизни ишга солиб, нафақат иш суръатига, ҳозирги кунда биздан талаб қилинаётган махсулот сифати-га ҳар бир иш кунимизда эришишимиз лозим.

Суҳбатдош

Шарифа ИЛЕСОВА.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг тикув цехида; ҳар бир ишчи аёл бу вақтда корхона қошида ташкил этилган «Гўзаллик хонаси»га ташриф буюриши мумкин.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

КўП ҚАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙ ХОНАДОНЛАРИДА ВА ХУСУСИЙ УЙЛАРДА ГАЗ ХАРАЖАТИНИ ҲИСОБЛАШ УСКУНАЛАРИНИ ЎРНАТИШ ҲАҚИДА

Табий газдан тежаб-тергаб фойдаланиш, кўп қаватли турар жой хонадонларида ва хусусий уйларида газнинг истеъмолини ҳисоблаш олими, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўй-жой мулкда ва иқтисодий-маданият аҳамиятига оид объектларда сув ва газ харажатини ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1995 йил 26-май 185-сонли қарорини ижро этиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлагов «Кўп қаватли турар жой хонадонларида ва хусусий уйларида газ харажатини ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш ҳақида» қарор қабул қилди.

Ушбу қарорга мувофиқ 1998—2002 йилларга мўлжалланган кўп қаватли турар жой хонадонларида ва хусусий уйларида газ харажатини ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш бўйича Дастур тасдиқланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг иқтисод ва статистика бosh бошқармаси ва Молия бosh бошқармасига газ хара-

жати ҳисоблаш ускуналарини сотиб олиш учун «Тошгаз» шаҳар бошқармасига 50 миллион сўм миқдоридаги маблаг ажратиш, ушбу маблаг йил давомида қайтариб бериш шарт қўйилди.

«Тошгаз» шаҳар бошқармасига жорий йил 1 июндан кўп қаватли турар жой хонадонларида ва хусусий уйларида газ харажатини ҳисоблаш ускуна-

ларини ўрнатиш ва таъмирлаш бўйича махсулаштирилган хизматни ташкил қилиш вазифаси топширилди.

Турар жойларда ўрнатиладиган ускуналарнинг жорий ва мукамал таъмири «Тошгаз» шаҳар бошқармаси томонидан ва унинг маблаглари ҳисобидан ўтказилди.

Ҳисоблагич асбоби таннархи ва ўрнатиш сарф-харажати қўп қаватли ва хусусий уй ағалари зиммасига юкланади. Тўловлар 12 ой давомида тенг ўлушида амалга оширилади.

Туман ҳокимлигига кўп қаватли турар жой хонадонларида ва хусусий уйларида газ харажатини ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш бўйича ишлар ўтказиш учун «Тошгаз» шаҳар бошқармасига қулайликлар яратиб бериш ва ёрдам кўрсат-

тиш топширилди. Газ харажатини ҳисоблаш ускуналарини ўрнатишга қаршилик кўрсатувчи абонентлар оғохлантилган кундан 10 кун ўтгандан сўнг шаҳар газ таъминоти тизимидан ўчирилди.

Газ харажатини ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш бўйича Дастурни ижро этиш масъулияти туман ҳокимлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий-коммунал фойдаланиш бirlашмаси, «Тошгаз» шаҳар бошқармаси зиммасига юкланди.

«Тошкент оқшони» ва «Вечерний Тошкент» газеталари тахрирляри зиммасига ушбу қарорда белгиланган чораларни зарурлиги ва жамоа аҳамиятига ағаллиги тўғрисида тушунтириш-ташвиқот ишлари олиб бориш юклатилди.

1998—2002 йилларда Тошкент шаҳрининг кўп қаватли турар жой хонадонларида ва хусусий уйларида газ харажатини ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш бўйича ДАСТУРИ

№	Туманлар	Уйлар сон	Шу жумладан	Газ харажатини ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш									
				1998 йил	1999 йил	2000 йил	2001 йил	2002 йил	1998 йил	1999 йил	2000 йил	2001 йил	2002 йил
				хусусий уйлар	кўп қаватли турар-жой хонадонлар	хусусий уйлар	кўп қаватли турар-жой хонадонлар	хусусий уйлар	кўп қаватли турар-жой хонадонлар	хусусий уйлар	кўп қаватли турар-жой хонадонлар	хусусий уйлар	кўп қаватли турар-жой хонадонлар
1.	А. Иронов	53723	15317	38406	1300	100	2000	500	4000	500	4000	500	4117
2.	Бектемиров	8038	1889	6149	200	200	500	500	1000	689	1000	—	2000
3.	Миробид	24567	10318	24249	300	300	1000	1000	3000	1000	3500	1000	2518
4.	М. Умаров	76270	14636	61634	400	300	2000	500	3000	1000	3500	1000	5736
5.	С. Раҳмонов	62934	14312	48622	400	300	2000	1000	3000	1000	3500	1000	6412
6.	Сироткин	40929	5230	35699	1100	200	1000	500	3130	1000	—	3000	—
7.	Хамид	57169	13490	43679	400	300	1200	1000	3000	1000	3500	1000	5590
8.	Чингизов	63148	8624	54524	400	300	1000	1000	3000	1000	3000	1000	1234
9.	Шайхонхонов	43576	16253	27323	400	300	2000	500	4000	500	4000	500	5853
10.	Юнусов	76279	13361	62918	400	300	2000	1000	3000	1000	3500	1000	4401
11.	Якубов	28626	8204	20422	300	300	1500	500	3000	1000	3000	1000	404
ЖАМИ:		530892	121774	409118	5500	2900	15300	8000	32630	10000	32189	12000	36255

— Махмудхўжа ака, аввалги суҳбатимизда ҳанафийлик мазҳаби борасида муфасссал сўз юритган эдик. Ҳанбалийи мазҳаби асосчиси Аҳмад ибн Ханбал ҳақида сўз юритар эканмиз, дастлаб ул зотнинг ким бўлганлиги ҳақида гаплашсак...

— Ҳанбалийи фикҳий мазҳаби асосчиси Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ханбал Бағдод шаҳрида туғилган. Оиласи Марвдан Бағдодга кўчиб ўтаётган вақтларида онаси ҳомиладор бўлганлиги учун уни Марвада туғилган деб айтганлар ҳам бўлган. Ўғли Солихнинг ривоят қилган шаҳарасига қараганда аҳдодлари Ҳазрати Муҳаммаднинг боболаридан

бидъатлар қораланиши зарур. Аҳмад ибн Ханбал таълимотидан ўрин олган қарашларнинг бири халифани тахтдан ағдариб олишнинг заруриятини, шу билан олим халқ орасида иймон тушунчасига шубҳа туғдириган. Маълумки, иймонни ташкил этувчи бандлардан бири ҳукмрон қандай бўлганлигидан қатъий назар унинг ҳукмини тўғри ҳисоблаб, унга итоатда бўлишликни тақозо этади ва бунинг сабабчиси деб қалом фалсафаси, унинг ақидаларини тушунтиришда, ҳуқуқшунослик масалаларида ақлий, мантаний услублардан фойдаланиш зарур деган принципларнинг ёйилишини тан олганлар.

га — қозилик лавозимига ўтиради. Маълумки, ҳадисларда (сунна) пайғамбарларимиз асрида мусулмон жамиятига хос бўлган аъёнлар, ҳаёт тарзи, ибратли воқеалар ўз аксини топган. Исломининг янги, ўзгариб бораётган воқеликка мослашуви, янги аъёнларга диний қават берилиши, уларнинг суннага тўғри келиши ёки тўғри келмаслиги масалалари мусулмон ҳуқуқшуносларининг бир, ягона фикрга келишлари орқали амалга оширилган. Ҳадисларда ўз аксини топмаган ва жамиятнинг илгарилаб бораётган тараққиёти туйғули одамлар ҳаётига кириб келаётган «янгиликлар» бидъат деб аталган.

Эътиқод тараққийлари

ТАФАККУР ШУЪПАЛАРИ

Тўртинчи суҳбат
Халқаро Исроом тадқиқот маркази мудири, фалсафа фанлари доктори Махмудхўжа Нуриддин билан музоҳаба

бўлмиш Назир билан бирлашиб Ҳазрати Исмоилгача чўзилади. Бобоси Ханбал ибн Хилол Умвайилар даврида Сараҳс волиилиги лавозимини эгаллаган ва Аббосийларнинг ҳукумати кўлга олишда муҳим роль ўйнаган. 15 ёшидан 36 ёшигача ҳадис ва фикҳни ўрганди, мусулмон илоҳиётшунослигининг асосий марказларини зиёрат қилди. Замонасининг барча йирик олимлари билан учрашди.

Аҳмад бин Ханбал фаолиятининг чўққиси аъёнавий илоҳиётшунослик билан мўътазиллийи орасидаги ғоявий курашнинг авжига чиққан замона тўғри келди. Халифа Маъмун замонида мўътазиллийи хос баъзи ақидаларни (биринчи галда Қуръоннинг яратилганлиги ҳақида ақида) халққа куч билан сингдириш билан боғлиқ «Михна» — «Синов» жараёнининг тирдобига тушиб қолди. 833 йилдан бошлаб аббосийлардан бўлмиш халифалар ал-Маъмун, ал-Муътазим ва ал-Восиқ замонларида илоҳиётшунослар олимлар «синов»дан ўтказилиб, мавжуд тузумга хайрихоҳ ёки йўқлиги текширилган. Қуръоннинг яратилганлигини (худоудул Қуръон) тан олган уламолар хайрихоҳлар қаторидан жой олган. Аъёнавий оқим тарафдорлари эса Қуръоннинг яратилганлигини эътироф этишдан бош тортишиб, қувғинлар қурбони бўлишган. «Михна» биринчи галда Бағдодда амалга оширилган. Аббосий халифаси Маъмун (813—835) ўз халифалигининг охириги йилларида Мўътазил мазҳаби олға кетишининг таъсири билан кўпгина олимлар қатори ибн Ханбал ҳам қувғинга учраб, 833-34 йилларда хўбсга олинди. Аҳмад ибн Ханбал икки йилу тўрт ой давом этган қамок ва қийноқдан сўнг озод қилинди. Жароҳатлари тўзалиши билан яна фатво бериш билан ҳадис илмини ўргатишни бошлади. Аҳмад ибн Ханбал 855 йил 31 майда Бағдодда вафот этди.

— Ҳанбалийи мазҳабининг моҳиятини изоҳлаб берсангиз...

Айтишларича, бу мазҳаб исломдаги янгиликларга мутлақо қарши экан...

— Аҳмад ибн Ханбал иккала халифа қаршисида туриб, Қуръоннинг яратилганлигини тан олишдан бош тортиган ягона илоҳиётчи олим ҳисобланади. Ундан кейин яна бир неча олим бу «синов»лардан ўтган бўлишига қарамай суннат аъёнавийлиги галабаси унинг номи билан боғланади. «Исроомни бидъатлардан қутқарувчи» деган номи туйғули унинг афсоҳа Бағдоднинг йирик аъёнавий илоҳиёт тарафдорлари (ахлус-сунна) йиғилди. Уларнинг фикрига кўра Қуръон яратилмаган, яъни азалийдир. Вақт ўтиши билан Аҳмад ибн Ханбал ҳанбалийи диний-сиёсий оқимининг ғоявий раҳнамоси деб тан олинади ва бу оқим унинг номи билан аталади. Ҳаётининг охирига келиб унинг таъсири шунчалик кучаядиган, халифа ал-Мутаваккил «аъёнавий илоҳиёт» мавқеини тиклайди ва ўз фаолиятида Аҳмад ибн Ханбалнинг ёрдамига муҳтожлик сезади. Халифанинг сadoқатини расман қабул қилмаса ҳам, лекин мўътазиллийларга қарши курашиш учун ибн Ханбал у билан ҳамкорлик ипларини боғлайди. Халифанинг илтимосига биноан Бағдод ва Басрада истикомат қилган энг фал мўътазиллийларнинг рўйхатини тузади. Уларга қарши очикдан-очик курашларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқади.

Аҳмад ибн Ханбал ислом ақидавий асосларини тушунтиришда ақлий ёндашуви инкор этади. Бунинг мумкин эмаслигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам ақидавий асосларни ўз холига қўйиб «дунёвий муаммолар» билан шуғулланишга ўтади, аникроги «диний амалиёт фалсафасини» ривожлантиради, яъни жамият ҳаётига ўзгаришлар киритишни режалаштиради. IX асрнинг 30—40 йилларида жамиятдаги диний-сиёсий муҳитга баҳо бера экан, орқага — исломнинг «олтин даврига», Муҳаммад ва унинг биринчи авлоддаги издошлари замонида ҳукмрон бўлган тартиб-тизимларга қайтиш керак деган хулосага келади. Унинг асарлари «Бидъат» масаласига бағишланган. Унинг таълимотига асосан Қуръонда, ҳадисларда бўлмаган ва ислом олимларининг биринчи уч авлодини қамраб олган ижмоъ томонидан тасдиқланмаган барча янгиликлар —

Шунинг учун ҳанбалийи мафкуриси тарафдорлари суннага мурожаат қилиш орқали исломни тозалашга бел боғлашган. Уларнинг назарида сунна — ҳадислар Қуръоннинг тафсири ҳисобланган. Улар «сунна Қуръонни тушунтиради, тафсир қилади» (ас-сунна туфассирул Қуръон) дейишган. Ҳадислар моҳиятини Қуръон оятлари мартабасига кўтаришган. Уларга, яъни ҳадисларга қандай деб савол бермасдан (би-ла кайфа) тўғридан-тўғри ишониб зарур дейилган. Сунна мусулмон имони ҳақиқийлигининг асосий мезони деб тўғридан-тўғри эълон қилинади. Ҳанбалийлар Х асрнинг ўзидаяқ барча мусулмон умматини бирлаштириш масаласини майдонга қўйишган.

— Ҳанбалийи мазҳаби назарий-чиликлар ҳам бор бўлса керак?

— Ҳанбалийи мазҳаби XI аср бошларига келиб шаклланган бўлса ҳам, лекин бу мазҳаб ҳуқуқшунослиги масалаларини умумлаштирувчи асарлар кейинроқ ёзилган, тартибга келтирилган. Улардан бири «Шаръий сиёсат» асари Ибн Таймийи қаламига мансуб бўлиб, XIII асрда ёзилган.

Ибн Таймийи сўфийларга, авлиёлар ва пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломни қўқларга кўтариш қарши эди. Пайғамбаримизнинг Мадинадаги мақбараларини зиёрат этишни исломга зид бидъат деб эълон қилади. Ижмоъ воситасида бундай амалиётларни тасдиқлашда иштирок этган илоҳиётшунослар таълимотига эътироз билдириб, уларни инкор этган. Ибн Таймийи «фақатгина сунна» асос деб тан олган. Унинг издошлари бўлмиш «янги ҳанбалийлар» исломнинг раҳнамолиридан, йирик назарий-чиликлардан бўлмиш ҳужжатул-Исроом ал-Ҳаззолий таълимотига ҳам қарши чиқадилар. Бундай таъқиб мавқеини эгаллаган ибн Таймийи баъзи масалаларни талқин қилишда, ҳаттоки, ҳанбалийларнинг ўзига ҳам қарши чиққан. Шунга қарамай унинг 500дан зиёд қолдирган асарлари ваҳҳобийлар майдонга қўқларга қадар ўтган тўрт аср давомида берк доираларда кунт билан ўрганилиб боришган.

— Ҳанбалийлар ва ваҳҳобийлар ўртасида озгина бўлса ҳам боғлиқлиги борми? Кейин уларнинг асл масалалари нималарда кўринади?

— Янги даврга келиб ҳанбалийларнинг Исроомни янгилаш, суннага мурожаат орқали бидъатларга қарши ғояси ваҳҳобийлар дунёқарашига тиклана бошлаган. XX асрга келиб эса «Мусулмон биродарлари» уюшмаси уларнинг «аъёнавий» давом эттиришга қаракат қилишлар.

Ваҳҳобийликка келсак, у диний-сиёсий оқим бўлиб, Исроом уйғониши тенденциясини ифода этувчи ўзига хос сиёсий оқим сифатида майдонга чиққан. Ижтимоий сиёсий ўзгаришларни амалга ошириш йўлида Муҳаммад пайғамбар давридаги исломнинг илк асосий принципларини ҳаётга тадбиқ қилиш керак, деган ғоя йўлида курашдилар ва курашиб келмоқдалар.

Ваҳҳобийликнинг сиёсий майдонга келишида инглизларнинг ролини қучайтирадиган баъзи мақолаларга келсак, уларга бироз аниқлик киритиш керак бўлади. Гап шундаки, ваҳҳобийлик аниқ сиёсий ва маълум даражада ҳарбий қучга айлангандан кейингина инглизлар деймизми, ёки бошқа сиёсий доиралар уларни ўзларининг сиёсий, фарзали уйқилари учун қурол қилиш ҳаракати ташаббуси билан тарихий ҳолни фарқламоқ мақсада мувофиқдир.

Маъмур диний-сиёсий оқимнинг раҳнамоси бугунги кунда кўпларга маълум Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб бўлиб, Басра шаҳрида биринчи бор халқни Исроомдаги ҳақиқий яккахудодликка — «тавҳид»га даъват этиб, юкори ва ўрта табақаларга мурожаат қилганда қувғинга учрайди. Шундан кейин у Нажд ўлкасида жойлашган Хураймила водийсига йўл олади. 1726 йили бирерга унинг отаси Абдулваҳҳоб келиб, янги ғайрат ва шижоат билан ўзининг тарғибот ишларини йўлга қўй бошлади. Хураймилада бир йил яшагач, ўзининг «Китобут-тавҳид» («Яккахудодлик китоби») асарини ёзади. 1740 йилда отаси вафот этади. Муҳаммад эса отасининг ўрни-

Бидъат ўз маъноси билан жамият ҳаётида илгари маълум бўлмаган, биробарин, амалда қўлланмаган бирор янги фикр, янги нарсас, янги урф-одатлар ёки янги хатти-ҳаракатларни англатган. Агар бидъат ижтимоий тараққиётга ёрдам қилса, кишилик жамиятининг илгарилаб боришига йўл очса, бундай бидъатлар яхши ва ақиссана бўлса ёмон бидъатлар деб қабул қилинган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ

Қардош тожик халқи кўп асрлардан буй ўз тақдирини Марказий Осиё ва Қозоғистон ҳудудидан яшаб келаётган киргиз, туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва ўзбек халқлари билан боғлаган ҳолда яшаб келмоқда. Шу боис ҳам қадимий ва навқирон ўзбек адабиётини тожик адабиёти билан ҳамбарчас боғловчи жуда ибратли аъёнлар мавжуд бўлиб, шулардан бири Хоразмий, Камол Ҳўқандийдан тортиб, Алишер Навоий, Гулҳаний, Махмур, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний сингари икки халқ адабиёти намояндаларининг ўз асарларини икки тилда — ҳам ўзбек, ҳам тожик тилларида ижод этганликлари дидир.

Шарқнинг икки буюк санъаткори Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоий ўртасидаги ўзаро ижодий ҳамкорлик, Садриддин Айний билан Ҳамза ижодидидаги гоҳий ҳамоҳанглик ҳам адабиётларимизнинг бир-бирига яқинлигидан далолат беради.

Халқларимиз орасида машҳур бўлган «Гурули» — «Гурули» туркумидаги халқ қаҳрамонлик достонларида, Рустам ҳақидаги ҳикоятларида, «Авесто» адабий ёдгорлигида, турли хил қўшиқ ва афсоналарда икки қардош халқнинг орзу умидлари ўз аксини топган.

Икки қардош халқ фольклор асарларида паҳлавон Рустам, баҳодир Сухроб, темирчи Кова, енгилмас Гурули ва унинг фарзандлари эрк ва адолат ҳимоячилари сифатида гавдалансалар, Мулла Мушфиқий ва Мулла Насриддиннинг ҳозиржавоблиги ва уйдабуронлиги ёмонлар кирдиқорларини фоти этиш ҳамда ачир қулги остига олишга бўйсундирилди.

Маълумки, узок ўтмишдан то асримизнинг бошларига қадар Марказий Осиё аҳолиси икки тилда — ўз она тили ва форс-тожик тилида сўзлашган. Ҳар икки тилда ҳам ижод этилган асарларни бемалол ўқий олган. Ўзбек мумтоз мусиқасининг бебаҳо намунаси саналмиш «Шашмаком» оҳанглари ўзбек ва тожик, туркман ва киргиз, қозоқ ва қорақалпоқ халқларига бирдай завқ бера олганлик, Ҳофиз ва Навоий, Бедил ва Бобур асарлари адабиётга меҳр қўйган ҳар бир кишининг маънавий бойлигига айланди. Абу Абдулло Рудакийнинг ўйноқи газаллари, Саъдий Шерозийни-

нг «Гулистон», «Бўстон», Фирдавсийнинг «Шохнома»си ўзбек халқининг сеvimли китоблари қаторидан ўрин олди. Бу асарларнинг муаллифлари бўлмиш тожик

Муносабат Йўлчи юлдуз

шоирлари эса ўзбек адибларининг юксак баҳоси ва таҳсинига мушарраф бўлди.

Навоий форс-тожик газалчилиги тарихида муайян бир услубнинг орифона руҳини яратган форс-тожик классиклари, айниқса, Абдураҳмон Жомий ижодида юксак баҳо берар экан, айни пайтда Дехлавий, Ҳофиз ва Жомийларнинг ҳар бири бадиий ижоднинг қайси соҳасида ўзи учун ибрат бўлганлигини таъкидлаб ўтади ва бу улуг санъаткорлардан руҳий мадад тилайди.

Йўлдасе бу йўлда Низомий йўлм,
Қўлдасе Ҳисрав била Жомий қўлм.
Юқорида эслатиб ўтилганидек, Жомий Алишер Навоийнинг замондоши устози, дўсти ва ижодий ҳамкоридир. Инсон учун, унинг бахт-саодати учун, маданият, илм-фан, санъат ва адабиётнинг тарақиёти учун кураш бу икки буюк шахсни бир-бирига яқинлаштирган эди. Ана шу сабабли ўз навбатида Жомий ҳам Навоийнинг буюк истеъдоди, унинг «Ҳамса»сига юксак саломхиятига тан беради ва бу эътироф тожик шоирининг «Хирадномани Искандар» достонининг хотимасида ўз ифодасини топади.

Бу бешларга аввал бошлаб уриб панжа,
Хушхабарлар келтурганининг юрти Ганжа.
Лекин туркий тилда келди бу нақш атаб,
Бу сўз Даман жодусида боғлагай лаб.
Осмондин мактов ёғсин у қаламга,
У қаламдан келди гўзал сўз оламга.

Кечирсинлар форсий тилда дур терганлар.
Дари тилда назм инжусин келтурганлар.
Агар ул ҳам назмин ёвса дари тилда,
Қолмас эди сўз айтишга куч ҳеч элда...

(Ғафур Ғуллом таржимаси)
Ана шу гоҳат ибратомуз дўстлик ва ижодий ҳамкорлик натижаси ўлароқ Навоий форс-тожик адабиёти классиклари ижодини катта меҳр билан тарғиб қилди, ўзлаштирди ва ўз навбатида форс-тожик тилида яратилган жуда кўплаб газалларнинг муаллифи сифатида шухрат қозонди. Унинг «Девони Фоний» мавжуддан ўрин олган газалларнинг аксарияти Жомий ва Ҳофиз газаллари таъсирида яратилган бўлиб, улар форс-тожик адабиётининг ҳам етук ва мукаммал намуналари сифатида эътироф этилган.

Ўзбек ва тожик адабиётларининг азаллий ва абадий дўстлиги икки қардош халқнинг ўз мустақилликларини мустақамлаш борасидаги буюк бунёдкорлик ишларида — ҳамжиҳатлик, тинчлик ва ҳамкорликни ривожлантиришда ўз юртиларида — муқаддас заминда келажак авлод учун озода ва обод Ватанини бунёд этишдек гоҳат шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишда йўлчи юлдуз бўлиб орзу манзилларимизни еритиб туражак.

Шарифа МИРЗАЕВА,
филология фанлари номзоди,
доцент.

Дунёда шундай инсонлар бўладики, уларни жаҳондаги барча халқлар худди ўз фарзандидек севади, ардоқлайди. Ундай инсонлар барча халққа бирдек суюқли бўлади. Ҳазр. наваий тушган инсонлардан бири Тожикистон халқ артисти Сайрам Исаевдир.

Икки халққа суюқли



Бир жуфт павҳа

лар ўртага ташланди. — Бир тўй қилмоқчиман, — дедим, онамиз борлар, 90 ёшга етдилар. Шу воқеада муҳтарамамизни шарафлаш ниятимиз бор. Иштирок этасиз деган ниятдаман.

— Кўзим устига, — Жўрабек ака қўлини кўксига қўйди, — шундай табарруқ зотинг тўйига қатнашишлик менинг ҳам фарзандлик бурчим. Муддатидан оғоҳ этинг, албатта, оғоҳ этинг.

Шу кунни алла-паллагача қуюқ сўхбатимиз давом этди. Хайрлашув чоғида эсдалик учун суратга тушдик. Уша бир гуруҳ дўстларимнинг хечраси муҳрланган суратни авайлаб сақлайман.

Тожикистон халқ ҳофизы Маъруфхўжа Баҳодиров, Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиевларни кўрмаганман. Лекин уларнинг Тошкентга тез-тез келиб туришларини, ўзбекнинг тўйи уларсиэ утмаганини ва ўтмаслигини билмаган. Маъруфхўжа отанинг талайгина умр йиллари Тошкент билан боғланган. Ҳаётининг сунгги кунларига-ча Тошкентга бўлган меҳрини сози билан айтиб, бу машҳур ҳофиз.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пулат Мўмин билан шеъронлик қилган пайтимизда, радиода қўшиқ янграб қолди:

— Куйдирмоқчи билар санам...
Пулат ака менга қаради: Танйисанми бу хонанда-ни?

Мен бош чайқадим. — Жўрабек Набиев. Менинг беш-олтита қўшиғимни айтади. Аммо жуда ҳам хушовозда. Жўрабек битта эди, иккита бўлди деб севиниб юрибман. Тошкентга келсин, таништириб қўйман. Бугун она диёримда иккала хонанданинг овози, қўшиқлари янграмоқда. Беҳиштер Жўрабек Муродовнинг «Она юртим ҳақида. Истиқлол ҳақида қўшиқлар куйлаб, бир армондан чиқсам» деган тилаги ёдимга тушади. Икки халқ ўртасидаги дўстона алоқалар яна йўлга қўйилиб, борди-келдилар бошланган экан, ҳофизнинг эзгу орауси албатта ушалади. У муродига етади.

Темур УБАЙДУЛЛО.

Бир сафар кино ҳақида гап кетганда бир дўстимиз:

— Шундай аҳижой актрисани нега қўллаб ролларга тақлиф этишмайди? Ахир Сайрам Исаевадек артистлар бармоқ билан санарликлар деган эди.


— Ҳўжандан Тошкентга келиб кетишининг ўзи бўладими? — эътироз билдирди бошқаси.

— Қизиқ экансиз, — деди дўстимиз, — Сайрам Исаева қўқонлик бўлади, биллиб қўйинг. Бекорга унга Нодирабегимни уйнатишмаган.

Шу воқеа эсимга тушиб, Сайрам опага айтиб берган эдим, унинг юзларида севин нурлари уйнади. — Ростданми? Бу мен учун энг катта муқофот! Раҳмат сизга. Ўзбек халқи мени ўз қизидек қўлар экан, мен ҳам бир фарзанддек бурчимни адо этаман...

Кинофестиваль хайъати аъзоларининг йиғилиши бўлар экан. Сайрам опани чақириб қолдишди. Мен «Оқшом» газетасига икки оғиз тилак билдиринг, дедим шўшиб. — Орузим — истиқлол қўшиқидан нурфшон бўлган юрт аёлининг бугунги ҳаётини акс эттирадиган томошада, киноларда роль уйнасам, — деди Сайрам опа хайрлашар экан. — «Оқшом» газетасида ишлар экансиз, «Оқшом» газеталарининг юлдузларини доимо қарақлаб турсин. Мен ушбу тилани бугун Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунларида айтаётганимдан бахтиёрман.

Ғолиб МИРЗО.
СУРАТДА: Сайрам Исаева Нодирабегим ролда.




Душанбадаги Фирдавсий номли миллий кутубхона биноси.

1998 ~ Ойла йили

Шаҳримизнинг Миробод туманида узок йиллар бирга тотув умр кечириб, ўз фарзандлари қамолини кўриб, улар ардоғида яшаётган ибратли оилалар жуда кўп. Ана шу бахтли хонадонларнинг энг бахтлисини танлаш учун Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишига биноан ўтказилаётган «Бахтли оила» кўрик-танловининг туман бўйича якуний босқичи Индира Ганди номли маданият саройида ўзгача руҳда бўлиб ўтди.

Танловлар

ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНДА



— Туманимизда яшаётган, 40 йилдан ортиқ бир-галикда ҳаёт кечирган 50 дан ортиқ оилалар маҳалалардаги танловларда куч синишишди. Бугун 6 нафари ғолиб оилалар ўзаро бахшлашишди, — деди туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Моҳира Раҳимбердиева кўрик-танловни очар экан. — Бу кўрик-танловнинг ўтказилишидан нафақат ғолиблар аниқланмоқда, балки уларнинг аҳил ҳаётлари ёш оилаларга ибрат бўлиб, уларни ҳам бахтли оилалар сафига қўшилишга ундамоқда. Кўрик-танлов иштирокчилари нафақат бу ерда, балки ҳаётда ҳам ғолиб, чинакамига бахтли эканликларни кўриниб турибди.

Танловда 6 нафар — Рашидовлар, Бозорбоевлар, Абдураззоқовлар, Тўраевлар, Содиқовлар, Шомансуровлар оилалари ўзаро беллашиб, ҳар бир шарт бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Ҳар бир оиланинг ўзига ҳо ҳусусиятлари, бахтлилик сирлари, урф-одатлари тўла намоён этилди. Оилаларнинг зукко фарзанд ва набиралари эса бобожону бувижонларига қамарбаста бўлишди. Айниқса, охириги шарт бўйича беллашувда ҳар бир оила миллатимизнинг нақадар санъатсевар эканлигини

яна бир бор намоён этиб томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.

Танлов шартларининг совға тортиқ этилди.

Кўрик-танловнинг ўзига ҳос томони шундан иборат бўлдики, қолган 5 нафар



бажарилишини кузатиб борган ҳакамлар ҳайъати ўз хулосаларини эълон қилиб, академик Турсунбой ва Ҳакима Рашидовлар оилалар ҳам ғолиб деб топилди, уларга ҳам туман ҳокимлигининг фахрий ёрлик ва совғалари топширилди.



ласини 1-ўрин соҳиби деб топдилар ва уларга туман ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлик ва қимматбаҳо

Биз фурсатдан фойдаланиб, кўрик-танлов ташкилотчилари ва томошабинларнинг фикрларини билдик.

● Фариди АБДУРАҲИМОВА, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси: Ўтказилаётган танловнинг аҳамияти, айниқса ёш оилаларимиз учун ниҳоятда ибратлидир. Ҳавас қилса арзигулик бахтли оилаларнинг сафи янада кенгайишига бу тадбир муҳим ҳисса қўшса ажабмас.

● Шавкат ЖАВЛОВ, туман «Маҳалла» хайрия жағғармаси раиси: Бахтли оила ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бунинг учун оила аъзолари биргаликда ҳар қандай муаммони ечиши, фарзандлар қамолини унун ҳамкорликда иш юритиши, маҳалла аҳли билан тотув яшаши керак деб ўйлайман. Оила йилда шундай оилаларимиз сони, албатта, ортади.

Турсунбой РАШИДОВ, туман «Бахтли оила» кўрик-танлови ғолиби: Биз бу ерга хонадонимизнинг тинч-тотув, фарзандларимизнинг аҳиллигини, ўзимиз истиқомат қилаётган «Сариқўл» маҳалласининг ҳар бир ишда фаоллигини намойиш этгани келган эдик. Бахтимизни қарангки, омадимиз кулиб боқди.

● Дилмурод МИРЗАЕВ, томошабин: Саҳнадаги бахтли оилаларни кўриб юрак тўлқинланди. Уларга фақат ҳавасингиз келади. Мамлакатимиз хонадонларини шундай бахт асло тарқ этмасин.

● Муҳайё РУСТАМОВА, уй бекаси: Бу ерга турмуш ўртоғим билан бирга келган эдик. Ҳозир бир фарзандимиз бор. Биз ҳам албатта, уларга ўхшашига ҳаракат қиламиз. Танлов биз сингари ёш оилаларни яхшиликка, тоғуликка етаклаши, шубҳасиз.

Шоҳида БОБОЕВА.
СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган кўрик-танловдан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.

Назм

НАВОИЙ БОБОМ ИЛА МУЛОҚОТ

КАМИНА:
Турон сардишига сеп ёйса баҳор,
Ифборан очилур баҳри дилингда,
Ҳар баҳор уш оёйса абадлар тақдор,
Висол бустонига чибдай гулнинг.

АЛИШЕР:
Асрлар, фасаллар ўтмоқда ёраб,
Қўнса гулашан ўлмиш, дарвоқе баҳор.
Илғинга илқлик тутмоқда ёраб,
Тоғлар пойи аро йиғлаётган қор.

КАМИНА:
Айтинг-чи, эй буюк бобо Алишер,
Менинг ҳам назм аро бормикан гулм?
Назмиё бозорларини топтар бўрон, ел,
Жонимни суғурмиш туманлар йўлим.

АЛИШЕР:
О... дўсти ўксангиз, қайтурмоқ бекор,
Маъжиддин руҳлиқлар ҳар қайда бордур.
Заковат гулашани айлар улар хор,
Шуларанг эрсада ҳазон ҳазондур.

КАМИНА:
Кўз ачитиб тутар ўша хазонлар,
Тутун ичра от сурғали шаҳидим йўқ.
Назмиё аро турфа абру-найсонлар,
Зиё истар, ганим бисёр, қаҳрим йўқ.

АЛИШЕР:
О, подон болам-а, тириксан ахир,
Йрим мени йил кўрган тахминини ол, кел,
Шухрат-шон шариби бош эмас, тахир,
Тириклик бахтидан ортса менга бер.

КАМИНА:
Шундайликка шундайқил бобожон,
Орзулар армон деган озор бор,
Қардига жон излар бўласан ҳар қачон,
Жон бозор йўқ, жон олғувчи бозор бор.

АЛИШЕР:
Олам чексиз кураш эрур, шунданми,
Мен назм бустонини кўеи бўлдим.
Қаро тунданми ё ёрқин кунданми,
Шеър бирда йиғладим, шеър бирда қўладим.

...ЎЗЛАМИЗ

(Қўшиқ)

Қаро сочлар қизғин ранга бўламан,
Оқ-сарик ранг бўлсанг ошқ сўрмиш,
Сўйбур сочлик қизлар бундан куярмиш,
Дунё, сепдан кутганларим шўлими?

Нусхабозлик миллийликка хосмикан?
Қўрқ, ақалдан устунлиқ ростиликан?
Ё фикратда лаҳза иқдорликан?
Дунё, сепдан кутганларим шўлими?

Қаро сочлик Моҳларойим шўх эди,
Муслима-ю муслиналар шўх эди.
Не-не шўхине юрғабди оҳ эди,
Дунё, сепдан кутганларим шўлими?

Ёр ҳам юлдуз, турган жойи самодир,
Юлдузларнинг сочи асли қародир,
Турма рангдан безмоқлик не маънодир,
Дунё, сепдан кутганларим шўлими?

Сочинг рангин олсин ўзга рангилар,
Қаро қош-у қаро сочга тангилар,
Аждод авалин бой берса ҳар мардиклар,
Дунё, сепдан кутганларим шўлими?

Турсун МУҲАММАД.

Катта бир миллатнинг меросига айланган тарихий бойлиқларни қайта тиклаш ишида биргина ташкилот доирасида фаолият юритиб бўлмайди. Шу тўғрисида халқаро «Олтин мерос» хайрия жағғармаси жаҳонга энг йирик илмий-тадқиқот марказлари, кутубхоналар, шахсий коллекциялар, шунингдек, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти билан узвий ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

Жағғарма, айниқса, тарихий обидалар, йирик-йирик иншоотларни қайта таъмирлаш ишларида самарали қатнашмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятидаги Худойёрхон Ўрдаси, Мадрасаи Мир, Биби Убайда сингари меъморилик мажмуаларини тиклаш, ободонлаштириш орқали халқимиздаги миллий гурур, Ватан иф-

одамлар маънавий эҳтиёжини кўпроқ қондирадиган санъат асарларининг савдоси билан шуғулланилади.

Яқин ўтмиш биз учун тарих, келажак авлодлар учун олтин меросдир. Чунончи, Ўзбекистонда яшаб, ижод этган таниқли санъаткорлар, бастакорлар, олиму фузалар, академиклар ҳаётини бар-

тихори туйғуларни ҳам жонланади, янгиланади. «Олтин мерос» хайрия жағғармаси миллий ҳунармандчилик, халқ амалий санъатини ривожлантириш ва рағбатлантириш ишига ҳам бош-қош бўлаётган ташкилотлардан. Жағғарма ЮНЕСКОнинг республика миллий комиссияси билан ҳамкорликда бир қатор ёш расомларнинг кўргазмаларини ўтказди. Кўргазмада муваффақият қозongan асарлар эса тез орада ўз эгаларини топи. Бундан ташқари амалий санъат турларидан сополсозлик, наққошлик, ўймакор-ганчкорлик, зардўзлик хунари билан шуғулланаётган усталарни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадида жағғарма қошида қайта тўлиқроқ тасаввурлар ҳосил қилишга хизмат қилади.

хёт қилишда ҳам жағғарманинг муносиб ҳиссаси бор. Бугунга келиб ўттиз нафарга яқин заҳматқаш ўзбекистонликлар ҳақида видеофильмлар тайёрланди, вақтли матбуотда мақолалар уюштирилди, турли тадбирлар ўтказилди. Ана шу маънода халқаро «Олтин мерос» хайрия жағғармаси Туркиянинг Анқара ва Истанбул шаҳарларида ўз бўлимларини очган, Ҳиндистон, Покистон, Франция элчихоналари ва маданият марказлари билан амалий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Бу тадбирлар жаҳон ҳамжамиятига халқимизнинг нафақат бугунги турмуши, балки ўтмиш ҳаёт тарзи, маданий-маърифий салоҳияти ҳақида тўлиқроқ тасаввурлар ҳосил қилишга хизмат қилади.

Жағғармалар

АВЛОДЛАРГА ОЛТИН МЕРОС

Маммура РЎЗИЕВА.

«Хурматли тахририят!
Мен ёшлимдан шахматга жуда кизиқман. А. Карпов, Г. Каспаров, Б. Спасский, Р. Фишер, В. Ананд, Н. Шорт каби шахмат юлдузлари ўйнаган партияларни кўзикиб кўлдан келганча таҳлил қилиб келаман. Иложи бўлса газета саҳифаларида жаҳоннинг энг кучли шахматчилари рейтинг рақамларини эълон қилсангиз.

Хурмат билан

Баҳодир АҚРОМОВ,
курувчи-муҳандис.

Шахмат

ЖАҲОНДА ЭНГ
КУЧЛИЛАР

Дарҳақиқат, ҳар йили жаҳон шахматчиларининг жаҳон чемпионатлари, олимпиадалар, йирик халқаро турнирлардаги иштирокларидан келиб чиққан ҳолда рейтинг кўрсаткичлари чиқарилади. Мана бу йил ҳам халқаро шахмат федерацияси энг кучли шахматчилар рейтингини эълон қилди.

Хўш, унда аввалги йилдаги солиштиришда қандай ўзгаришлар бўлиб берди, деган ўринли савол туғилади. Эҳтиёткорлик билан таҳлил қилишдан ўтган йилги юзталикка қараганда 16 та шахматчи ўрин олди. Бирок айрим шахматчиларнинг ўшбу тартибга айтилган вақти билан кириб-чиқиб турганлигини ҳисобга олганда айтиш мумкин, номлар пайдо бўлди. Шуниси эътиборга моликки, уларнинг бештаси МДМ мамлакатларидан — булар россиялик С. Шипов, В. Филиппов, А. Харитонов, асли нигеро-роқандлик, бирок йрландия жамоасида ўйнаётган А. Бабури, украинлик С. Савченко ва туркманiston вакили Б. Анановлардир. Улар орасида янгилардан фақат руминиялик А. Кри-сан бор.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Гарри Каспаров энг юқори рейтинг рекорди даражасини 2825 кўрсаткичга қадар кўтарди. Энг муҳими, жаҳон чемпиони бундан 8 йил аввал эришган натижа — 2800 пункт чегарасини ҳеч ким забот этолмапти. Ушбу юқори натижага энг яқин келган шахматчи, бу россиялик Владимир Крамник бўлиб, у 2790 рейтинг рақамига эришшига муваффақ бўлди. Демакки, у америкалик машҳур гроссмейстер, собиқ жаҳон чемпиони Роберт Фишернинг 1972 йили эришган 2785 рейтинг натижасидан бештага ўзиб кетди. Шунингдек, ҳиндистонлик ёш, умидли шахмат устаси Вишванатан Ананд ҳам ўзининг энг юқори рейтинг даражасини яна 5 та пунктга оширди.

Собиқ жаҳон чемпиони, бир пайтлар А. Карпов билан ўтказган аjoyиб беллашувлари билан жаҳон аҳлини ларзага солган Виктор Корной 66 баҳорни қаршилаганига қарамай ўз натижасига яна 20 та очко қўшди ва 2630 пунктга эришган ҳолда ўз ёш тоифасига нисбатан жуда аjoyиб кўрсаткичга эришди. Албатта, маҳорат ҳеч қачон йўқотилмапти, бироқ бир хил спорт формасини ўшлаб туриш жуда мушкул вазифадир.

Шуни қувонч билан таъкидлашни истардики, 36 ёшли ҳамюртимиз Александр Ненашев бир қатор халқаро турнирлардаги муваффақиятли иштироки билан ўтган йилги рейтингга яна 40 та пункт қўшди ва 2625 натижа билан 43-ўринни банд этиб турибди.

Кўйида муштарийлар эътиборига FIDE рейтингига кўра ҳозирги кунда кураш замидаги энг кучли 50 та шахматчи натижаларини ҳавола этамиз.

Рейтинг

1. Гарри Каспаров	2825
2. Владимир Крамник	2790
3. Вишванатан Ананд	2770
4. Василий Иванчук	2740
5. Веселен Топалов	2740
6. Анатолий Карпов	2735
7. Гата Камский	2720
8. Алексей Ширер	2710
9. Петр Свидлер	2690
10. Александр Беляевский	2690
11. Валерий Салов	2680
12. Борис Гельфанд	2675
13. Евгений Бареев	2675
14. Кирил Георгиев	2675
15. Майкл Адамс	2670
16. Петер Лекс	2670
17. Юдит Полгар	2670
18. Сергей Рублевский	2665
19. Александр Халифман	2660
20. Михаил Красенков	2660
21. Алексей Ермолинский	2660
22. Найджел Шорт	2660
23. Владимир Аюпян	2660
24. Лембит Олль	2655
25. Вадим Звягинцев	2655
26. Мэтью Садлер	2650
27. Зураб Азмайрашвили	2650
28. Жозель Лотье	2645
29. Александр Чернин	2645
30. Сергей Тивков	2640
31. Михаил Гуревич	2640
32. Рафаэл Ваганян	2640
33. Александр Крисан	2635
34. Вадим Миллов	2635
35. Ульф Андерссон	2635
36. Предраг Николич	2635
37. Виктор Корчной	2630
38. Йохан Хьяртарсон	2630
39. Хулио Гранда Зунига	2630
40. Золтан Алмаши	2630
41. Алексей Дреев	2630
42. Артур Юсупов	2630
43. Александр Ненашев	2625
44. Иван Соколов	2625
45. Ясер Сейраван	2625
46. Константин Сакаев	2620
47. Сергей Шигов	2620
48. Ян Тимман	2620
49. Григорий Кайданов	2620
50. Александр Шабалов	2615

Анвар ИНОКОВ,
Дилшод ИСРОИЛОВ.

Учрашувлар

АҲОЛИ БИЛАН
ЮЗМА-ЮЗ

Чилонзор туманидаги Дўм-биробод маҳалласида Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси ходимларининг аҳоли билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда 1998 йилнинг ўтган беш ойи мобайнида Чилонзор туманида болалар ўртасида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари кўпайганлиги айтилиб, бу тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари айрим йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига олиб келаётган муаммолар, яъни чорраҳалардаги йўлчиқларнинг ишламаслиги, йўлларнинг нотекислиги, қўйилиши зарур бўлган белгиларнинг йўқлиги ҳақида ДАН ходимларига саволлар беришди. Учрашув қизиқарли савол-жавоблар билан ўтди.

— Шаҳар бўйича болалар ва пиёдалар ўртасида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ўтган йилгига нисбатан анча камайган, — деди ДАН бошқармасининг тарғибот бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция майори Комилхон Содиков. — Бирок, Чилонзор туманида болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг бузилиши 21 тадан 35 тага кўпайган. Бугунги маҳалла фаоллари, ўқитувчилар ва шу ерда яшовчи аҳоли билан учрашувимиз ҳам айнан мана шу масалаларга қаратилгандир. Албатта, айниқса мактабларда йўл ҳаракати қоидалари ҳақида бошланғич маълумотларнинг бериб борилиши, шунингдек, бу борада турли мусобақалар ўтказилиши яхши натижалар бермоқда.

Очил ҲАЗРАТОВ.

Шаҳримизда богча тарбиячилари ўртасида «Йил тарбиячиси — 98» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда республикамиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси микёсида худди шундай беллашувларда ғолиб чиққан богча тарбиячилари иштирок этишди.

Қатнашувчилар 84-болалар богчасида ўзларининг тарбия ва ўқитиш услублари бўйича синовдан ўтдилар. Шунингдек, улар турли педагогик ҳолатларда бола билан муомала қилиш усуллари ҳам намойиш этишди.

лаш кабилар бўйича «Йил тарбиячиси — 98» номига мушарраф бўлишди.

Пойтахтимиз номидан Мирзо Улуғбек туманидаги 193-болалар богчасининг тарбиячиси Дилбар Каримова муваф-

Қуриқлаш

ЗЕХНИ ЎТҚИР ДИЛБАРХОН



Беллашувнинг сўнгги босқичида богча тарбиячиларининг таълим-тарбияга оид ҳукумат қонунлари, маҳалла кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур, бошланғич таълим соҳасидаги муаммолар ҳусусидаги билим ва дунёқарашлари синалди.

Ҳакамлар ҳайъати кўрик-танлов ғолибини аниқлашда ўзгача йўл тутдилар. Беллашувга вилоятлардан келган тарбиячиларнинг ҳар бири ўз ўрнида қобилиятли эканликлари ҳисобга олиб, иштирокчиларнинг энг кучли жиҳатига эътибор қаратишди. Шунга кўра ҳар бир тарбиячига ўзига хос йўналиш бўйича, масалан, ўқитиш, мушқла, ўйинлар, табиат ва экология, болалар билан иш-

фақиятли иштирок этиб «Зеҳни ўтқир йил тарбиячиси — 98» унвонига сазовор бўлди. Кўрик-танлов сўнггида Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев 14 иштирокчиларнинг ҳар бирига кўрақ нишонни, «Йил тарбиячиси — 98» гувоҳномаси, вазирликнинг фахрий ёрлиғини топширди. Тадбир ҳомийлари эса иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар тақдим этишди.

Мурод РАҲИМОВ.
СУРАТДА: «Йил тарбиячиси — 98» республика кўрик-танловида шахримиз номидан иштирок этиб Дилбар Каримова ўз маҳоратини намойиш этмоқда.

Равил Альбеков
олган сурат.

лалардан тортиб то 62 ёшгача бўлган фахрийлар ғалаба учун кураш олиб боришди.

Дастлаб Шоқурбонов ва Эрматовлар оиласи ўзаро куч синашишди. Кескин баҳс 4:4 ҳисобида тугагач, ғолибни аниқлаш учун 11 метрли белгидан пенальтилар тепилди. Унда Шоқурбоновлар 3:2 ҳисобида устун қолишди.

Азизхўжаев ва Абдураимовлар оилавий баҳсида эса Акмал ака сулоалари 5:1 ҳисобида ғолиб чиқишди.

Шундай қилиб, финалда Шоқурбонов ва Азизхўжаевлар ғолибни аниқлаш учун кураш олиб боришди. 1 бўлимда Шоқурбоновлар 3:0 ҳисобида устун келишганига қарамай шиддатли баҳс 5:4 ҳисобида Азизхўжаевлар оиласи ғалабаси билан тугади ва улар турнир ғолиблари бўлишди.

Мусобақа ғолибларига республика давлат спорт қўмитаси, С. Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан ажратилган рангли телевизор, автомагнитоллар, чинни термалари топширилди.

Ёш футболчиларнинг назарий тайёргарликларини кучайтиришнинг бир омили сифатида телевизор «Чигатой» футбол мактабида қолдирилди.

Энг муҳими, Оила йилида бундай оилавий футбол мусобақаларини яхши анъана сифатида доимий давом эттириб боришга қарор қилинди. Хусусан, кейинги беллашувларда Ёдгор Саъдиев ва Шавкат Юсуповлар оилалари ҳам иштирок этиш ниятини билдиришди.

Дилмурод НУРМАТОВ.
СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.



Куни кеча «Чигатой» ўйингоҳи ишқибозлар билан гавжум бўлди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, пойтахт спорт қўмитаси ҳамда футбол федерациясининг ташаббуси билан оилавий футбол жамоалари ўртасида қизиқарли беллашувлар уюштирилди.

Майдонда эса футбол оламида яхши таниш Акмал Азизхўжаев ва Эркин Абдураимовлар, шунингдек, ҳакамликда донг таратган

Садриддин Эрматов ва Файрат Шоқурбоновлар оилалари ўзаро беллашишди. Ўйинлар 25 дақиқадан 2 тайм бўлиб, майдонда 12 ёшли бо-

«02»

ЭШИК ҚОЛИБ
ТЕШИКДАН

Чилонзор туманидаги 6-мавзёдаги уйлардан бирида яшовчи А. Гаркушо ишдан қайтган ўз хонадонига киришди. Калит тирқишига гугурт чўпини қимдир маҳкамлаб қўйганди. Нохуш воқеа рўй берганлигини сезган соҳиба қўш-ниларниқига кириб милиция ходимларини ёрдамга қақирди. Саноқли дақиқалардан кейин Чилонзор тумани ИИБ кўриқлаш бўлими ходимлари айтилган жойга етиб келишди. Кўриқлаш пулти навбатчиси, милиция катта лейтенанти Эрали Бўриалиев, милиционерлар — милиция катта сержанти Эргаш Пулатов, милиция сержанти Мурод Калимбетовларни белгиланган жойларга қўйиб ўзи милиция лейтенанти Консайд Досимов билан ичкарига кириб кетди. Хонадонда тартибсизлик ҳукмрон эди. Ўғри эшик қолиб уйга ертўладаги санитария шохобчаси орқали ҳаво алмашинувчи тешиқдан кирган экан. Ўғри милиция ходимларини сезган дераза орқали қочишга уринди. Деразадан сакраб қочмоқчи бўлганда кўчада милиционер Мурод Калимбетов ҳушёр турганди. Икковлон олишиб кетди. Бошқа ходимлар ёрдамга етиб келишиб муқаддам судланган М. Павелли ашврий далиллар билан қўлга олишди. Хонадон соҳибасига бир неча минг сўмлик моллари қайтариб берилди.

ПУЛЛАР ЭГАСИГА
ҚАЙТАРИЛДИ

Чилонзор тумани кўриқлаш бўлими навбатчиси, милиция капитани Абдумўмин Шоқиров хизмат вазифасини ўтаётганда бир киши ҳовлиқиб келиб «Ака, ёрдам беринг, аллақандай киши сумкамдан 80 минг сўм пулимни олиб қочди!» дег улитмос қилди. Рация орқали Абдумўмин барча хизматдошларига бу хабарни етказиб ўзи милиционерлар — Аскар Тўлтебоев, Раҳим Тўлаганов ва Лесбой Иброҳимовларни олиб машинада талончининг кетига тушишди. 20 дақиқа ўтар-ўтмас жабранувчи таърифлаган қимсаннинг қочиб троллейбусга ўтириб кетишига уринаётганлиги аниқланди.

Навоий вилоятидан келиб Тошкент бозорларида, хусусан «Отчопар» бозорида ўзига ўғирлик, талончиликни «қасб» қилиб олган О. Қажор ва унинг шериклари қўлга олинди. Тўғри давомида уларнинг бошқа жиноятлар содир этганлиги ҳам аниқланди. Қўчқор Рустамовнинг пешона тери эвазига топиладан пуллари яна эгасига қайтарилди.

ИШТАҲАСИНИ ҚАРАНГ

Ҳамза тумани кўриқлаш бўлими ходимлари «Курувчилар» мавзесидаги 9-дўкон олдида тўғри пайт ўтиб кетишгаётганда дарвозанинг ланг очиб турганлигини кўриб ҳайрон қолишди.

— Афтидан ўғирлик содир бўлганга ўхшайди, — деди 2-марказлашган кўриқлаш пулти бошлиғи, милиция лейтенанти Ботир Қунишев. — Милиционерлар Абдижамоил Тошназаров, Зоҳиджон Раимқулов ва милиционер ҳайдовчи Алиқ Штенбахлар унинг гапини тасдиқлашиб жиноят содир этилган жойга яқинлашишди. Дераза панжаралари бузилиб ичкаридан қўллаб микдорда спиртли ичимликлар ўғирланганди. Дарров жиноятни очишга киришди. Ахир ерда ҳозиргина чекиб ташланган сигарета қолдиқлари ётарди. Милиция ходимлари машинага ўтириб кўчалар бўйлаб юришди. Табарруқ кўчасида икки кишининг аравачалар ҳайдаб кетишгаётганлигини қўришди. Уларнинг олдида кесиб чиқилди. Муқаддам судланган И. Равил ва Т. Рустамларнинг ишталарини ҳақиқий иштаха деса бўлар экан. Аравачаларга 100 минг сўмлик «Ўзбекистон» ароғи, «Ўзбекистон» шўна ва шампан винолари ҳафсала билан жойлаштирилганди. Уларнинг ўзлари эса бурнига келгунча арокдан тўйиб ичишган экан. Тунда дераза панжарасини қайриб ичкарига кириб у ердан шўна микдордаги спиртли ичимликларни ўғирлаб кетишгаётганда охири-оқибат қўлга тушишди. Эндиликда улар яна қилмишлари учун жавоб беришди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот гуруҳи ходими.

МУЪЖИЗА ЯРАТИШДИ

Америка Қўшма Штатларининг Кливленд шаҳрида яшовчи икки сартарош — Шитер Бланк ва Оливер Дрейлар соч турмаклаш бўйича аjoyиб муъжиза яратдилар. Бу икки ҳамкасб баландлиги икки метр қилиб соч турмакладилар.

Бундай соч турмаклаш учун 30 баллон лаки аз-розол, 12 метр ҳақиқий улама соч, 3 метр ҳарир газлама, 19 та соч тўғноғи керак бўлди. Сартарошлар тинмай меҳнат қилишиб, бу ишни 7 нафар ассистентлари билан роппа-роса 9 кунда бажариб бўлдилар. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди, фақат миҳоз Лурелла Мюрицга қийин бўлди, холос. У 9 кун сартарошхонада ўтиришга мажбур бўлди.

ЎЗИГА ХОС РЕКОРД

Кенрад Хильдиоринд исмли фермер Австриянинг Калин ҳудудида истиқомат қилади. У аравада юк ташини бўйича ўзига хос рекорд ўрнатди. У ўн бешта от қўшилган аравага 407 қоп ғаллани жойлаштириб, манзилга беталафот етказиб берди. Юкнинг умумий вазни 35 тоннани ташкил этади.

СОАТИГА ЧИҚАДИГАН ГАЗЕТА

Америкада чиқадиған «Стейс ньюс сервис» ва «Файнэншл уорлд» журналлари ҳамкорлигида янги газета ташкил этилди. Бу газета 20 саҳифадан иборат бўлиб, унда 50 га яқин мақола ва хабар босилади. Рўзноманинг асосини реклама ва эълонлар ташкил этади. Чунки молиявий харажатлар шундан келган маблағ ҳисобига қопланади.

Газета ҳар соатда чиқиши билан бошқа нашрлардан ажралиб туради. Ундаги информацион билдиришлар, халқаро воқеаларга оид хабарлар, мамлакат ҳаёти ва об-ҳаво янгиликлари соатига янгилади туради, қўшимчалар киритилади, алмаштирилади ва бутун давлат бўйлаб тарқатилади. Газетанинг номи ҳам унинг ғоявий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда «Лейтест ньюс» («Сўнгги янгиликлар») деб аталади.

БИР ИШ КУНИДА
ТАЙЁРЛАНГАН КИТОБ

Франциялик нашриёт ходимлари жуда қисқа вақт — 8 соатлик иш кунинда шеърлар тўплами нашр этишди. Муаллиф эрталаб соат 9 да қўлзмани нашриётга топширди. Кеч соат 17 да эса уни ўз муҳлис-ларига тақдим этди. Компьютер 40 дақиқада қўлзмани ўқиб, грамматик хатоларни тўғрилади. Шундан сўнг босмаҳонада лазер қурилма ёрдамида харфлар терилиб, бир нусхаси мусаххихларга ўқишга топширилди. Пешиндан сўнг китобнинг биринчи нусхаси босмадан чиқди.

Дилноза ФИЁС қизи тайёрлади.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!
ОЧИК ТУРДАГИ «TOSHKENT SHAHAR
TELEFON TARMOGI»
ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

қуйидаги манзилларда истиқомат қилувчи Тошкент шаҳар аҳолисига телефонларни ўтказиб беради:

Уйгур кўчаси: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12-уйлар;
Генерал Узоқов кўчаси: 1, 1-а, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12-уйлар;
Беруний кўчаси: 1, 2-уйлар;
«Марказ—15» — 1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 11, 12-уйлар.

Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmogi» хиссадорлик жамиятининг қуйидаги манзилда жойлашган Собир Раҳимов филиалига мурожаат қилинг: Ўрозбоев кўчаси, 21-уй, 29-АТС.

Маълумотлар учун телефон 29-50-64, 29-56-95

Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmogi» хиссадорлик жамияти.

ТАШКИЛОТГА ЗУДЛИК БИЛАН

автокран машинистлигида камида уч йиллик иш стажига эга бўлган доимий ишлаш учун автокран машинисти

КЕРАК

Маълумот учун телефонлар: 191-74-18; 191-83-01.

Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmogi» хиссадорлик жамияти.

Миробод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги «Маҳалламаскан» хўжалик ҳисобидида бўлим тугатилди. Давволар эълон қилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида 133-14-46 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги 127-мактаб томонидан 1998 йили Соҳиев Нодир Одиловнинг номига берилган № ОРА 045044 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Узуйжойжамғармабонки»нинг Меҳнат бўлими жамоаси меҳнат бўлими бош бухгалтери Наталья Федоровна Гришинага отаси

Федор Кузьмич ЕРМИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ИСТАРАВШАН» корхонаси Матлуба Расулаевна УМАРОВАга акиси

Тўлқин Расулаевич МИРЗАХМЕДОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар — 133-28-95,
132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба
ва ҳуна
кунлари чиқади.
Ҳафтасида
209

Нашри етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тош-
кент почтасига» 133-74-05
телефонига мурожаат
қилишнинг мумкин.